Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 104 (7244). ● 30 май, 1980 йил, ◆ ● ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси, ЯХДР Бош министри Али Носир Муҳаммад 29 май куни Москвадан Ватанига жўнаб кетди. А. Н. Муҳаммад КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан мамлакатимизга келган эди.

Аэродромда А. Н. Муҳаммадни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

ВАТАНИГА ҚАЙТА ТУРИБ

Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, ЯХДР Бош министри Али Носир Муҳаммад 29 май куни Тошкентда бир оз тўхталиб ўтди. ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, ЯСП Марказий Комитетининг секретарлари М. С. Мутийя, А. А. Вали, А. А. Баазиб, ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ЯХДР Ташқи ишлар министри С. С. Муҳаммад ва Яман Халқ Демократик Республикасининг бошқа давлат арбобларини у билан бирга Тошкентга келишди.

ЯХДР, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни ва унинг ҳамроҳларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Али Носир Муҳаммад шарафига зиёфат берилди.

А. Н. Муҳаммад ва унинг ҳамроҳлари шу куниёқ ватанига жўнаб кетдилар.

(ЎзТАГ).

ЧОРВАЧИЛИГИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Зарбдор беш йиллигимиз якунловчи йилининг ярми тугаб боряпти. КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этаётган областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳамма соҳада янги марраларни эгаллаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг ҳаётий муҳим тармоғи чорвачилик ҳам муттасил ривожланмоқда. КПСС Марказий Комитети июль [1978 йил] Пленуми қарорлари асосида ўтган давр ичида чорва моллари туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш соҳасида қилинаётган ишлар самарали натижалар бермоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV Пленумининг ҳамда область партия комитетининг чорвачиликни кескин юксалтириш масаласи муҳокама қилинган махсус Пленумларидан келиб чиқадиган вазифалар муваффақиятли бажарилаётир. Жуда кўп колхозлар, совхозлар ҳамда районларда янгидан-янги чорвачилик комплекслари қурилиб ишга туширилдн. Улар замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Паррандачиликни ривожлантириш соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда матлубот жамияти йўли билан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Деярли барча шаҳар ва районларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Улар учун моддий техника ресурслари ажратиб берилди. Малакали мутахассис, чорвадор кадрлар тайёрлашга ҳам эътибор кучайди. Партия, совет ташкилотлари илғор чорвадорларнинг тажрибасини оммалаштириш, улар ўртасида оммавий-сиёсий, маданий-тарбиявий ишларни кучайтиришга катта эътибор бермоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига йўллаган табриги чорвачиликни юксалтириш учун бошланган умумхалқ курашида янги ва ажойиб воқеа бўлди. Бу мактубдан руҳланган чорвадорларимиз ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб зиммаларига янги ва оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Барча колхоз ва совхозларда бу юксак мажбуриятни бажариш учун ўзаро социалистик мусобақа авж олдириб юборилди.

Ўтган тўрт ой якуни шуни кўрсатадики, область бўйича гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотиш бўйича ўтган йилдагига қараганда анча ўсишга эришилди. Тошкент, Калинин, Бекобод, Оққўрғон, Ғалаба ва Бўка районлари партия, совет ташкилотлари давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотишда бкрмунча яхши натижаларга эришдилар. Мазкур районлардаги кўпгина хўжаликлар эришаётган ютуқларнинг сири шундаки, уларда моллар зотини яхшилашга қаратилган зарур тадбирлар амалга оширилган. Ем-хашак базаси мустаҳкамланган. Фермалар малакали мутахассис кадрлар билан таъмин этилган. Чорвадорлар моддий манфаатдорлигини ошириш, улар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш, мусобақа голибларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш бўйича конкрет тадбирлар жорий этилаётир. Район партия комитетлари ўз пленумларида чорвачиликни ривожлантиришга оид масалаларни муҳокама этиб, эришилган натижаларни пухта ва қиёсий таҳлил этиш, илғорлар тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантиришга биринчи даражали эътибор бермоқдалар.

Лекин ҳали ҳам бу соҳада жиддий сусткашликка, нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни амалга оширишда тезкорлик ва ташаббус, ташкилотчилик етишмаяпти. Шунинг оқибатида қорамоллар, қўй-эчкилар, паррандалар сонини кўпайтириш суръатлари белгиланган маррадан орқада қолмоқда.

Оҳангарон район раҳбарлари бу соҳадаги фаолиятларни бир неча бор танқид қилинган бўлишига қарамасдан, етарли хулоса чиқармаётирлар. Урта Чирчиқ, Бўстонлиқ районларида ҳам чорвачиликни ривожлантиришда кўпгина резервлар, имкониятлар бой берилмоқда. Коммунистик, Паркент районлари чорвадорлари ҳам маҳсулот етиштириш ва давлатга сотишни кескин кўпайтириш учун зарур чораларни амалга оширмаётирлар.

Чорвачиликни ривожлантириш — бу ҳамманинг иши. Колхоз, совхоз комплексларида гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадбирларни бекамки-кўст амалга оширш билан бирга ёрдамчи хўжаликларга ҳам эътиборни кучайтириш керак. Бу жиҳатдан Ангрен шаҳар партия комитети ташаббусн ибратлидир. Шаҳардаги барча йирик саноат ва қурилиш корхоналарида ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш амалий ҳал этилмоқда. Паррандачилик ва чўчқачилик фермалари қурилишига зарур ускуналар етказиб берилаётир. Етарли миқдорда ем-хашак базаси яратиш чоралари кўрилаётир. Ангренликлар йил охирига қадар ёрдамчи хўжаликлардаги чўчқалар сонини 10 мннг бошга етказишни мўлжалламоқдалар.

Тошкент, Калининн районларида ҳам янги паррандачилик фермалари қуриш, матлубот жамияти тармоқларида ёрдамчи хўжаликлар барпо этиш йўли билан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга астойдил киришилди.

Шуни унутмаслик керакки, чорвачиликни юксалтириш бўйича белгиланган вазифалар, зиммага олинган план ва топшириқларнинг муваффақиятли бажарилиши уч энг асосий омилга боғлиқдир. Биринчидан моллар туёғини кўпайтириш, иккинчидан маҳсулдорлигини ошириш, қолаверса озуқа базасини мустаҳкамлашдан иборат. Кўпгина колхоз ва совхозлар бу масалаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар. Улар фан ва тажриба имкониятларидан фойдаланиб, моллар зотини яхшиламоқдалар. Айниқса уруғочи молларни кўпайтириш, уларни сақлаб қолишга эътиборни кучайтираётирлар. Маккажўхори, беда, йўнғичқа сингари оқсилга бой озуқа экинларидан юқори ҳосил олмоқдалар. Бошоқли дон экинлари сифатини парвариш қилишнб, ҳосилдорлиги оширилмоқда. Бу жиҳатдан Бекобод районидаги Ленин номли колхоз, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози моҳнаткашларининг мўл кўл ем-хашак жамғариш, беда, хашак павлари, маккажўхори экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш юзасидан бошлаган ташаббусларига қўшилиб, бу йил ҳам озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Бироқ, бу масалаларга ҳамма хўжаликларда ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Кўпгина жойларда наслчилик ишлари яхши эмас. Уруғочи молларни сақлаб қолишга бефарқ қаралмоқда. Озуқа экинлари учун ҳосилдор ерлар ажратилмайди. Маккажўхоридан 25—30 центнердан дон ҳосили олаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Чорвачилик — ем-хашакдан бошланади. Буни унутмаслик керак. Ҳар бир хўжаликда ихтисослаштирилган ем-хашак бригадалари ташкил этиб, улар учун барча имкониятларни яратиб бериш зарур.

Бу йил областимиз чорвадорлари олдида улкан вазифалар турибди. Давлатга 41 минг тонна [тирик вазнда] гўшт, 145,4 минг тонна сут, 307,5 миллион дона тухум, 1850 тонна жун сотишимиз керак. Ҳар бош соғин сигирдан 3350 килограммдан сут соғиб олинишн, гўштга топшириладиган қорамолларнинг тўртача тирик вазнини 410 килограммга, чўчқаларнинг вазнини 110 килограммга, қўй ва эчкилар вазнини 45 килограммга етказишимиз лозим.

Булар бажарилиши мумкин бўлган реал ва аниқ вазифалардир. Буннинг учун айни кунларда ферма ва комплексларда, ёрдамчи хўжаликларда ишни намунали ташкил этиш, ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириш зарур. Ҳар бир чорвадор, ҳар бир мутахассис — зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилиши лозим.

ПИЛЛАЧИЛАР РАПОРТИ

ОБЛАСТНИНГ яна икки райони пиллачилари давлатга хом ашё топшириш планини бажардилар. БЎКА РАЙОНИ кумуш тола ижодкорлари тайёрлов пунктларига 137 тоннадан зиёд пилла топширдилар. Ҳар қути уруғдан ўртача 70 килограммдан ҳосил олинди.

Бўкаликлар аввал қабул қилинган социалистик мажбуриятларни қайта кўриб чиқиб, давлатга жами 160 тонна қимматли хом ашё топширишга аҳд қилишди.

* * *

ҒАЛАБА РАЙОНИ хўжаликлари ҳам пилла топшириш планини муддатдан илгари бажардилар. Давлатга 113 тоннадан зиёд кумуш тола сотилди. Ўртача ҳосилдорлик 82 килограммданга тўғри келди. Свердлов номли, Энгельс номли, Димитров номли, «Москва», «Победа» колхозларида, Калинин номли ва «Коммунизм» совхозларида эса ҳар қути қурт уруғидан 84—86 килограммдан пилла йиғиштириб олинди.

Район пиллачилари давлатга яна 47 тонна хом ашё топшириш учун курашмоқдалар.

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

СССР Журналистлар союзи правлениесининг 28 май куни Москвада ўз ишини тамомлаган пленуми «Публицистика ва гоявий-ахлоқий тарбия» деган мавзуга бағишланди.

Сўзга чиққан нотиқлар шуни уқтириб ўтдиларки, пленум муҳокамасига қўйилган проблемаларнинг актуаллиги замонамиз олдида турган вазифалар билан, коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичда, бутун гоявий-тарбиявий иш системасида публицистика ўйнаётган роль билан боғлангандир. Оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг редакцион коллективлари КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, гоявий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини, идеология ходимлари Бутуниттифоқ кенгаши тавсияларини бажара бориб, матбуотда, радио ва телевидениеда эълон қилинаётган материалларнинг гоявий савиясини ҳамда таъсирчанлигини оширишга қаратилган кўпгина ишларни амалга оширдилар.

Пленумда ўртоқ Л. И. Брежневнинг улуғ Ленин мукофоти топширилишига бағишланган табриги ниҳоятда сўзлаган нутқи совет журналистларининг бутун ижодий ишлари савиясини ва сифатини янада ошириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги қайд этиб ўтилди.

Пленум қатнашчилари қабул қилишган қарорда ўз қаламимиз билан замонамиз ҳақида шундай ёзайликки, у партиямиз, халқимиз амалга ошираётган ишга кўмаклашиш деган бош вазифани белгилаб бергин дейилади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников иштирок этди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети «Сельская жизнь» газетасининг 1980 йил 27 майда босиб чиқарган «Юқори сифатли пахта учун» сарлавҳали мақоласи тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу қарорда КПСС Марказий Комитетининг «Сельская жизнь» газетаси пахта, унинг толаси ва пахта маҳсулотини яхшилаш билан боғлиқ вазифаларини «стол даврасида» муҳокама қилганлиги ҳосилни етиштириш, шунингдек пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш, унга дастлабки қайта ишлаш ҳамда пахтадан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш соҳасидаги ишларнинг реал аҳволини акс эттирди ва энг характерли камчиликларини топди, дейилади.

Учрашув қатнашчилари — мамлакатдаги барча пахтакор республикалар хўжаликларининг пахтакорлари, мутахассислари, раҳбарлари, олимлар, партия ва қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари, пахтани тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган иттифоқ ва республика министрликлари ҳамда идораларининг намоёндалари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Пахтанинг юқори сифатли бўлиши — мамлакат барча пахтакорларининг асосий иши» эканлиги тўғрисида кўрсатмаларига амал қилиб, мамлакат колхоз ва совхозларининг далаларида гўза парваришн ва йиғим-терим жараёнини ташкил этишдан тортиб, пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган ягона пахта конвейерининг ҳамма участкаларида иш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган кўпгина қимматли таклифлар киритдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг «Сельская жизнь» газетаси ўтказган «стол даврасн»даги учрашувда муҳокама этилган масалаларнинг актуаллигини, ғоятда етилган туёда эканлигини, айтилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар холис ва фойда эканлигини эътироф этди.

Республика Қишлоқ хўжалиги министрлигига, Главсредазирсовхозстройга, область ва район партия комитетларига, совет, қишлоқ хўжалик органларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига пахта ҳосилини етиштириш ва йиғиб-териб олишнинг ҳамма босқичларидаги камчиликларга барҳам бериш, учрашув қатнашчиларининг пахта сифатини, айниқса машинада терилган пахта сифатини яхшилаш борасида билдирган таклияларини амалга ошириш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлимига, Союзнихиға, пахта селекцияси ва уруғчилиги институтига олимларнинг куч-ғайратини янги тезликдан, толаси ғоят сифатли, ноқулай омиллар ва касалликларга бардош берадиган ингичка толали ва ўрта толали гўза навларини яратиш учун сафарбар этиш, энг яхши навларни жадал кўпайтириш ва жорий этишни таъминлаш вазифаси топширилди.

Ипак пахта етиштиришни янада тез кўпайтириб бориш программасини муваффақиятли бажариш мақсадида

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

УЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига партия ва ҳукуматимиз беқиёс ғамхўрлик кўрсатмоқда. Яқинда область ижроия комитетининг навбатдаги йиғилишида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига моддий ва маиший хизматни янада яхшилаш чоралари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари, социал таъминот органлари собиқ жангчиларга турли имтиёзлар, қулай шароитлар яратиб беришаётир. Шифохоналарда улар учун алоҳида жойлар ташкил этилган. Улуғ Ватан урушининг 264 нафар биринчи группа инвалидларига меҳнат коллективлари оталиқ қилмоқдалар. 1979 йилда ва 1980 йилнинг 1 квартали мобайнида 64 уруш инвалиди ва 35 собиқ жангчи оиласи янги уйларга кўчиб ўтди. Санаторий ва курортларда даволаниш учун 927 та йўлланма берилди. Улуғ Ватан урушининг 158 инвалидига «Запорожец» автомашиналари бепул берилди.

ЕШ БУНЕДКОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида қурилиш бўйича ихтисос берадиган билим юртлари шахобчалари 1,5 баробарга ўсди. Ҳозир 10 та бундай ўқув даргоҳида 5530 талаба билим олмоқда. Тўрт йил давомида 7 минг ёш мутахассис областдаги турли қурилиш корхоналарига ишга юборилди.

Ёшлар пухта таълим олганликлари туфайли коллективларда самарали меҳнат қилишяпти. Қўшимча касбларни тез ўрганишяпти ва топшириқларни ошириб бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. 160-«Алмалиқсимцестрой» ва «Узбекшахтострой» қурилиш трестлари Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги оталиқларидаги билим юртларига яқиндан ёрдам беришяпти. Билим юртларининг моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш, мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш, педагог кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда уларнинг кўмаги амалий бўлмоқда. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, областдаги айрим қурилиш ташкилотлари жумладан: қишлоқ қурилиши, бинокорлик материаллари саноати корхоналари бу ишга етарли эътибор беришмаяпти. Ёш мутахассисларга етарли ғамхўрлик кўрсатилмаяпти. Натижада билим юртини тугатиб келганлар тез орада ишдан бўшаб кетишмоқда, ишчилар қўнимсизлиги ортмоқда. 1979 йилнинг ўзида турли сабаблар билан билим юртларидан келган 500 нафар ёш қурувчи жойларда ишлаб қололмади.

Айрим қурилиш ташкилотлари эса билим юртини тугатиб келган ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминламайдилар, уларнинг малакаси ва касбга бўлган ихлосини оширишга бефарқ қарайдилар.

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 23-, «Ташобқолхозстрой», Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигига қарашли ихтисослаштирилган «Ўзстроймеханизация» қурилиш трестлари ўзларига қарашли ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ишлари билан жиддий шуғулланишмаяпти. Устахоналар ва лабораторияларда замонавий асбоб-ускуналар етишмайди. Янги ҳунар-техника билим юртлари учун бинолар қурish ҳам жуда сусткашлик билан бормоқда.

Область ижроия комитети қабул қилган қарорда, ана шу ва бошқа жиддий нуқсонлар алоҳида кўрсатилиб, уларни бартараф этишга қаратилган қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.


УВОЛ БЎЛМАСИН

Кейинги йилларда жамоат чорвачилиги кескин ривожлана бошлади. Бу ишга хўжаликлар билан бир қаторда саноат корхоналари, турли ташкилотлар ҳам яқиндан ёрдам беряптилар. Маълумки, жуда кўп шаҳарлар, район марказлари ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда саноат корхоналари, умумий овқатланиш тармоқлари, айниқса санаторий, дам олиш уйлари, шифохона, болалар боғча-ясли-ларида истеъмол қилинган таомлар, озиқ-овқатларнинг нушхўрдлари, хилма-хил чиқиндилар увол бўляпти. Шу муносабат билан область ижроия комитети ёрдамчи хўжаликларда ташкил қилинаётган чорвачилик ва паррандачилик фермалари учун тўйимли озуқа бўладиган бундай ташландиқ чиқиндиларни исроф қилмаслик масаласини кўриб чиқди.

Ана шу ҳақда район ижроия комитетлари, уй-жой ва комунал хўжалиги бошқармаларига озиқ-овқат қолдиқлари ва чиқиндиларини нобуд қилмай йиғиб олиш ва «Узглавзаготживпром» область трестига топшириш мажбурияти юкланди.

Ана шу чиқинди ва нушхўрдларни чорвачилик фермалари учун истеъмол боп қилиб қайта тайёрлаш масаласи ҳам ҳал қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик Министрлиги томонидан областимизда истеъмол қилинган озиқ-овқатлардан тўпланган нушхўрдлар ва турли чиқиндиларни қайта ишлаб, қуритадиган махсус корхона қурилиши 1981 йилга мўлжалланди, хомашёларни йиғиш, ташиш учун зарур миқдорда автотранспорт, механизация воситалари ҳам ажратилади.





Ўзбекистон Фанлар академияси химия институтининг академик К. С. Аҳмедов бошқараётган каллоид химия лабораториясида илмий-тад қиқотлар яхши самаралар бераётир. Лаборатория коллективининг олиб бораётган ишлари натижаси халқ хўжалигида муваффақиятли қўлланилмоқда. Суратда: институт ходимларидан (чапда) Ф. Аҳмедова, М. Раҳимбердиева, Х. Отақўзиева ва Р. Глекеллар сувда эрувчан юқори молекуляр бирикмалар устида тажриба ўтказмоқдалар. Химия фанлари кандидати (ўнгда ги суратда) Субҳиддин Мўминов илмий лабораторияда.

Е. Ботиров фотолари.

РАҲБАР КАДРЛАР ЎҚУВИ

РИВОЖЛАНГАН социализм босқичида раҳбар кадрлар билан ишлашнинг шакл ва услубларини янада такомиллаштириш, уларни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари тобора муҳим аҳамият касб эта боради. Иқтисодий ва ижтимоий соҳада содир бўлаётган мураккаб жараёнларни билиш ва бошқариш ана шу кадрларнинг ғоявий-назарий савияси, сиёсий етуклиги, касб тайёргарлиги лозим даражада бўлишини тақозо қилади.

Раҳбар партия ва совет кадрлари малакасини оширишнинг ҳозирги системаси КПСС XXIII съезди қарорлари асосида таркиб топган бўлиб, XXIV ва XXV съездларда, КПСС Марказий Комитетининг партия ва совет раҳбар кадрлари ғоявий-назарий савияси ва иш малакасини ошириш системасини янада такомиллаштириш тўғрисида 1976 йил 17 августда чиқарган қарори асосида янада ривожлантирилди.

Шу мақсадда Тошкент олий партия мактабида ҳам партия ва совет ходимлари малакасини ошириш бўйича республикалараро курслар ташкил этилди. Эндиликда у бутун Ўрта Осиё зонаси учун раҳбар кадрларни тайёрлаш ва ўқитишнинг ўзига хос маркази бўлиб, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона область партия комитетлари ҳузуридаги курслар ишини мувофиқлаштириб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг юқоридаги қароридан сўнг бизда ўқув плани қайта кўриб чиқилиб, машғулотлар ўтказиш жараёни ўзгартирилди. Жумладан, таълимнинг хилма-хил самарали форма ва методларидан кенгроқ фойдаланиш, маҳаллий курсларга ҳар тарафлама методик ёрдам кўрсатиш, тингловчиларни энг яхши партия ва совет ташкилотлари тажрибаси билан таништириш ишлари йўлга қўйилди, ўқувнинг сифатини оширишга асосий эътибор берилди.

Тингловчилар томонидан марксча-ленинча назариянинг ҳамда коммунистик қурилиш практикасининг энг муҳим масалалари пухта ўрганилишига эришиш асосий вазифамиз ҳисобланади. Машғулотларда совет экономикасини ривожлантиришнинг актуал проблемалари, партия қурилиши, КПСС ташқи сиёсати, ҳозирги жаҳон тараққиёти ва революцион жараённинг асосий масалалари кенг ёритиб берилмоқда.

Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитетининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида чиқарган қарорларини ўрганишга катта эътибор беролаётир. Лекциялар, семинарлар, амалий машғулотлар ва суҳбатлар, тажриба алмашиш давомида назарий қоидаларнинг партия ва совет иши практикаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўргатилиши учун талай тадбирлар кўрилмоқда.

Аввало, машғулотлар ўтказишга малакали лекторлар жалб қилинган, ҳозирда улар орасида 25 партия ходими, 45 совет ходими, республика Фанлар Академиясининг 10 академиги ва мухбир аъзоси, 28 фан доктори ва профессор, 34 фан кандидати ва доцентлар бор. Лекторлар савияси юқори бўлишига қарамай, уларга вақти-вақти билан методик ёрдам кўрсатиб турилади. Ўқилаётган лекцияларнинг сифати назорат қилиб борилади, лекция тексти ва планлари муҳокама этилади, лекторлар бир-бирларининг машғулотларида қатнашадилар.

Халқ хўжалиги, сиёсий-ташкилий ишларга партия раҳбарлиги масалалари юзасидан республика партия ва давлат арбоблари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, область ва шаҳар партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарлари, фан, маданият, санъат арбоблари, газета ва журналлар редакторлари ва бошқа ўртоқларнинг чиқишлари ҳамиша алоҳида қизиқиш билан кутиб олинади.

Кейинги йилларда курсларимизда ўқитишга табақалаштирилган ҳолда ёндашилмоқда. Ҳар бир навбатдаги тингловчилар потоги учун алоҳида ўқув плани тузиб чиқилади.

Масалан, қишлоқ район партия комитетларининг биринчи ва иккинчи секретарлари учун «Партия ва давлат раҳбарлиги иш муваффақиятининг муҳим шартидир» деган мавзуни ўрганишдан аввал ҳудди шу ажойиб асарлар бўйича суҳбатда қатнашдилар.

Амалий машғулотлар район партия комитетлари ва райижрокомлар фаолиятини планлаштириш ҳамда ташкил этиш борасида ўзини оқлаган иш услублари билан кенг танишиш имконини бермоқда. Мисол учун, партия ходимлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги ташкилий-партиявий ишлар кабинетида, совет ходимлари эса республика Министрлар Советининг ташкилий-оммавий ишлар кабинетида бўлишади.

Район партия комитетлари идеология бўйича секретарлари, Марказий Комитет ва область партия комитетларининг пропаганда ва агитация, фан ва ўқув юртлари, маданият бўлимлари ходимлари учун Ҳамза район партия комитетида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда Тошкент область партия комитетининг тегишли бўлимларида машғулотлар уюштирилади.

Шунингдек, курс тингловчилари Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институтида, ғўза селекцияси ва уруғчилиги институтида, «Чиноз» наслчилик-совхоз техникуми ва бошқа жойларда ибратли тажрибалар билан атрофлича танишадилар.

Иш тажрибалари билан ўртоқлашиш бўйича алоҳида машғулотлар ўтказиш одат тусига кирган. Бунда тингловчилар реферат ёзадилар. Улар мавзуи машғулотлар бошланишидан аввал область партия комитетларига юборилади, бу тадбир керакли материалларни тўплаш, иш тажрибасига оид у ёки бу масалалар устида пухта тайёрланиш имконини беради. Кафедралар рецензия ёзиб бўлганидан сўнг рефератлар аввал группалар, кейин эса бутун поток тингловчилари эътиборига ҳавола этилади, айрим проблемалар бўйича мунозаралар уюштирилади.

Курсларимизда таълимнинг техникавий воситаларини жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда, энг замонавий кўргазма қуроллари ўқув жараёнини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан кўп тармоқли, ТСО комплекси аппарат, магнитофон, ҳужжатли экран кабилардан яхши фойдаланяпмиз.

Партия ва совет ходимларини ўқитиш борасида тўпланган тажрибаларни умумлаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда бизга ўқув-методик кенгаш ҳамда ўқув-методика кабинети амалий ёрдам бератётир. Таълим жараёнини янада самаралироқ ташкил қилишда, тингловчилар ва маҳаллий курсларга методик ёрдам кўрсатишда, машғулотлар сифатини текширишда уларнинг хизмати катта.

Ўқув-методика кабинетимиз кенг, ёруғ хонада жойлашган бўлиб, методик ва кўргазмали қуроллар жамланган, партия ва совет ходимларининг бой тажрибалари ёритилган материаллар алоҳида папкаларга қўйилган. Бу ерда тингловчиларга ёрдам тариқасида методик адабиётлар кўргазмаси ҳам уюштириб турилади. Кабинет ходимлари Тошкент олий партия мактаби кафедралари билан ҳамкорликда лекция планлари, текст ва материалларини, методик тавсия ва қўлланмаларни ишлаб чиқиб, жойларга юборадилар. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар Академиясининг малака ошириш институти методик кабинети, мамлакатимиздаги кўпгина бошқа малака ошириш курслари билан ҳам яхши алоқамиз бор. Ўқув адабиётлари, методик тавсиялар алмашиб турамиз.

Раҳбар партия ва совет ходимлари ғоявий-назарий савияси ҳамда иш малакасини ошириш вазифаларини тобора мураккаблашиб, талаблар ошиб бормоқда. Биз бундан буён ҳам партия кўрсатмаларини изчил амалга ошириб, ўқувнинг самарадорлиги ва сифатини яхшилаб, ўз иш услуб ва методларимизни такомиллаштириш борасидаги изланишни давом эттираверамиз.

С. ТАТИБОЕВ,
Тошкент Олий партия мактаби ҳузуридаги партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро курсларининг мудири.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

ТАРМОҚНИНГ ЭНГ ЯХШИ МАСТЕРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ мастери бўлиш жуда шарафлидир. Изёт Сулаймонович Аблялимов ҳам шундайларнинг бири. У корхонада узоқ йиллардан бери ишлаб келмоқда. Оддий ишчидан катта мастергача бўлган меҳнат йўлини босиб ўтди. Ҳозирги вақтда заводнинг қозон-пайвандлаш цехидаги йигув участкасига раҳбарлик қилмоқда. У моҳир ташкилотчи ва жонкуяр тарбиячи бўлганлиги учун ҳам участка коллективининг меҳнат кўрсаткичлари доим яхши бўлмоқда.

Тажрибали ишлаб чиқариш командири раҳбарлик қилаётган участка ишчилари завод бўйича ташкил этилган участкаларо меҳнат беллашувида доим мукофотли ўринларни эгалламоқдалар.

Мастер участкада ишлаб чиқариш жараёнини пухта ташкил этган. Ҳар бир ишчининг маҳоратни ва қобилиятига қараб жой-жойида фойдаланмоқда. Машинасозлар орасидан дастлабки кунларидан бошлаб бир маромда ишлашади. Бу маҳсулот сифатининг ҳам яхшиланишига ёрдам бермоқда. Шу участка коллективи йиққан турли-туман химия асбоб-ускуналари доим юқори баҳолар билан қабул қилинмоқда. Машинасозлар ўз меҳнатлари билан мамлакатимиз химия саноатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганликларини чуқур ҳис қилган ҳолда ишлаётганликлари учун ҳам уларнинг меҳнат самараси шундай баракали бўляпти.

Яқинда корхонага Москвадан ажойиб хушхабар келди. Унда министрлик коллегияси ва машинасозлик ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг қарори билан моҳир катта мастер И. Аблялимовга «Тармоқнинг энг яхши мастери» унвони берилганлиги маълум қилинган эди.

Заводимизда ўз касби бўйича тармоқнинг энг яхши ишчиси комини олган машинасозлар ҳам йўқ эмас. Социалистик мусобақада фаол қатнашиб, юксак меҳнат кўрсаткичларига эришаётган, доим сифатли маҳсулот бериб, коллектив ҳурмат-эътиборини қозонаётган қозончи Али Тейфуков, сиртлиқловчи Раиса Точилина, электр пайвандчи Хусаин Усмоновлар ҳам иттифоқ министрлигининг «Ўз касби бўйича энг яхши ишчиси» унвонини олишга сазовор бўлдилар. Бу ишлаб чиқариш илғорларимиз Фахрий дипломлар билан ҳам тақдирланишди. Юксак мукофотдан илҳомланган бу машинасозларимиз шу кунларда ҳам унумли ва сифатли ишламоқдалар. Меҳнатда барчага намуна бўлишяпти, социалистик мусобақа қатнашчиларининг олдинги сафида боришмоқда.

О. ЛЕВАК,
«Ўзбекхиммаш» заводининг ходими.





Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи хўжалик йилини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан якунлаш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқда. Синтез цехининг Ҳалима Тўлаганова (чапда) бошчилик қилаётган илғор сменаси ва компрессорлар машинисти Сафарали Қўлжабоевлар (ўнгда) мусобақа илғорлари сафида бормоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

Босилмаган хабарлар изидан

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТГАЧ...

Редакцияга келган хатларнинг бирида Бўстонлиқ район давлат автоинспекциясида содир бўлаётган интизомсизлик ҳақида шикоят қилинган эди. Жумладан, район давлат автоинспекциясининг бошлиғи Ю. Шихалиев хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётганлиги, давлат автомашиналаридан ўз манфаати йўлида фойдаланаётганлиги кўрсатилганди.

Мазкур шикоят текшириш учун область ижроия комитетининг Ички ишлар бошқармасига юборилди. Бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Ж. Жамоловдан олинган жавоб хатида, шундай дейилади:

—Редакциядан юборилган хат текширилиб, унда келтирилган фактлар қисман тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам район давлат автоинспекцияси бошлиғи Ю. Шихалиев ва йўл назорати хизмати инспектори А. Худойбергановлар катта маъсулиятсизликка йўл қўйганлар. Натижада гражданин Ғиёсхўжаевга техника хизмати кўрсатиш станциясига топширган автомашинаси ўрнига жиноятчилар томонидан Тошкент шаҳридан ўғирланган автомашина бериб юборилган. Бу машина чалкаш ҳужжат билан район кўчаларида юраверган.

Ю. Шихалиевнинг автомашина олиб сотиши, қонунга хилоф ҳолда уй қураётганлиги ҳақидаги фактлар тасдиқланмади.

Ўз вазифаларига совуққонликлари учун Ю. Шихалиев ва А. Худойбергановлар жазоландилар. Автомашина ўз эгасига қайтарилди.

ЁТОҚХОНАЛАР — ТАРБИЯ

Чирчиқ шаҳрида 18 та ётоқхона бўлиб, уларда 4 мингдан ортиқ ёшлар истиқомат қилади.

Шаҳар ёшлари бу йил доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб «Биз Ленин ишига содиқмиз!» деган мавзуда фестиваль ўтказдилар. Фестивалнинг қамрови жуда кенг бўлиб, унинг бир бандида ишчи ётоқхоналари ўртасида конкурс ўтказиш ҳам белгиланган эди. Ана шу конкурсда барча 18 та ётоқхона иштирок этди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини эришдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг ёшлар ётоқхонаси биринчи ўринни эгаллади.

...Ётоқхонага киришингиз билан ўзингизни супуриб-сидирилган, соя-салқин бир шинам хонадонга кириб боргандек ҳис қиласиз. Икки томонда катта ёшик тагликларда дарахт, гуллар, тошойна, турли графиклар, рўйхатлар. Буларнинг ҳаммасида дидли, ўз ишини севадиган хонадон соҳибасининг қўли сезилиб тургандек.

Бу «хонадон соҳибаси» — Надежда Ивановна Синолицая ҳақиқатан ўз ишига меҳр қўйган ходима экан.

— Ётоқхона вақтинча яшайдиган меҳмонхона эмас, ишчининг уйи, унинг жамоли доим очилиб туриши керак, — дейди Надежда Ивановна. — Бу ерда ҳамма нарса уйдагидек, оиладагидек бўлиши лозим. Шароит ҳам, меҳр-оқибат ҳам, ўзаро самимият ҳам. Ҳамма-ҳаммаси. Шундагина ишчилар ўзларини илиқ бир муҳитда сезадилар. Бу эса — жуда муҳим.

41- хонада ёшгина йигитча дарс тайёрлаб ўтирган экан.

— Комбинатда ёрдамчи ишчи бўлиб ишлайман,— дея ўзини таништирди А. Бердиев. — Тошкент политехника институтининг Чирчиқдаги филиалида ўқийман. Бу ерда бир йилдан бери яшаяпман. Дам олиш ва дарс тайёрлаш учун барча шароитлар яратиб берилди. Ишлаб туриб техникумни тугатдим. Катта раҳмат. З. Каспанбаева 24.7.79».

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Ётоқхона советининг раиси ишчи А. Аулов, активистлар экономист С. Шаримова, ишчилар Ш. Муҳамадиев, А. Абдураҳмонова, Н. Раҳмоновалар барча яхши ишларда ташаббускор, бош-қош бўлмоқдалар.

«МЕНИНГ ВАЗИФАМ ЭМАС...»

ЕТОҚХОНА — тарбия маскани. Бу ҳаммага маълум. Худди шунинг учун ҳам ҳар бир ёшлар ётоқхонасида тарбиячи штати мавжуд. Чирчиқдаги 160- қурилиш трестининг 4- ёшлар ётоқхонасида эса роса бир йилдан бери бу штат бўш турибди, тарбиячи йўқ.

Комендант Ф. Алексеева тарбиячининг вазифаси уёкда турсин ўз зиммасидаги кўпгина вазифаларни ҳам бажармаяпти. Масалан, хоналар, зиналар ифлос. Комендант икки фаррош бор, ҳар куни тозалайди, дейди. Бироқ кўриниб турган аҳвол, унинг бу гапини сира тасдиқламайди. Телевизорлар кўйилган иккита дам олиш хонаси жуда совуқ кўринади киши кўзига. Беш-олтита қаттиқ тахта стуллар ва сўппайиб турган телевизор — бор жиҳоз шу холос. Деворга эса қандайдир мазмунсиз плакатлар ёпиштириб қўйилган!..

— Ётоқхонада бирон бир тадбир ўтказиб турасизми?

— Ҳа.

— Масалан, бу ойда қандай тадбир ўтказилди?

— Ҳечқандай.

— Бу йилда?

— Йўқ. Булар менинг вазифамга кирмайди...

22-квартиранинг 2- хонасида уч киши зич жойлаштирилган чизма тахталари олдида сиқилиб ишлашяпти.

— Қандай камчиликлар бор? — сўрайміз улардан.

— Сув йўқ, — дейди Раҳматжон Маматжонов,— сув бир кунда уч маҳал бир-икки соатдан бўлади. Ўшанда олиб қолмасангиз тамом! Кейин, ётоқхонада яшовчи 160 кишининг деярли ҳаммаси студент,

„КУМУШ ТОЛА“ ЖИЛОЛАРИ

КЎРКАМ кийим ҳар бир кишига ҳуснн бағишлайди. Қизлар, аёллар эгнида минг бир жилва билан ранго-ранг товланувчи атласлар, шойи кўйлаклар ҳам кийганнинг, ҳам кўрганнинг дилини равшан этади. Ана шу шойилар ҳар йили баҳорда ипак қурти боқувчиларнинг пешона тери, қалб кўри, меҳри билан бунёдга келади.

— Пилламиз-тилламиз, деган гапда чуқур маъно бор, — дейди Улуғ Ватан уруши инвалиди Асад Саъдуллаев, — мустаҳкам парашютлар ва бошқа қатор пухта техника материаллари ҳам мана шу пилладан тўқилади. Бундай парашютлардан оловли йилларда ўзимиз ҳам фойдаланганмиз...

Асад аканинг урушдан кейинги йиллардаги ўзи туғилиб ўсган «Коммунист» колхозидаги фаолияти бевосита шу хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш билан боғлиқ. У кўп йиллардан бери «Гулистон» участкаси пиллачиларига бошчилик қилиб келмоқда. Участка қуртбоқарлари бу йил 70 қути қурт уруғини парвариш қилишди. Ўлар пландаги 3,5 тонна ўрнига 5 тонна «кумуш тола» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Бу марра бугун-эртага забт этилади!

Колхоз бўйича эса 12,5 тонна пилла етиштириш плани муддатидан илгари адо этилди. Бунда тут кўчатларининг сероблиги ва яхши парвариш қилинганлиги катта фойда келтирмоқда.

«Гулистон» участкаси пиллачиларининг муваффақиятига Қиммат Абдуқодирова, Абдураим Жумабоев, Холида Одилова ўртоқлар бошлиқ звенолар салмоқли ҳисса қўшишди. Улар 3—5 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 90—100 килограммдан пилла топширдилар. Шунингдек, илғор пиллачилар Санобар Ғойибова, Гулсара Абдуллаева, Анорбой Давидов, Ғаффор Жалилов, Улуғ Ватан уруши ветерани Шараф Шариповлар ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан хомашё топширишди.

Участка пиллачилари мажбурият ҳисобига «кумуш тола» сотишни давом эттирмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ,
Оржоникидзе райони.



Бўстонлиқ райони хўжаликларида давлатга пилла топшириш қизғин давом этаётир. Суратда: район пиллачилик идорасининг участка агрономи М. Ҳакимова «Ленинград» колхози пиллакори Р. Назирова билан бригадир—агротехник К. Абдиевалар келтирган хомашёнинг сифатини текширмоқда.

В. Портнов фотоси.

КАТТА ХИРМОН

— Сизларни чин юракдан табриклайман, — деди колхоз партия ташкилотининг секретари Абдулла Соатов йиғилганларга мурожаат қилиб, — хўжалигимиз 33 тоннадан зиёд пилла топшириб, планни ортиғи билан бажарди. Набат мажбуриятга!

— Мажбуриятни ҳам сўзсиз бажарамиз, — қувонч билан сўзлади колхознинг Киров номли участкаси агротехниги Санобар Ёқубова...

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози пиллачилари ажойиб ютуқларга эришмоқдалар. Колхоз 158 тонна ўрнига 175 тонна пилла топшириб, беш йиллик мажбуриятини ортиғи билан адо этди.

Албатта, ҳар йили 30—40 тоннадан пилла топширишнинг ўзи бўлмайди. Бу — тинимсиз ҳаракат, уйқусиз тунлар, улкан масъулият, шижоат ва тадбиркорлик меваснидир. Аввало пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Хўжаликда 96 гектар тутзор мавжуд. Бундан ташқари ариқ бўйлари, йўл чеккалари, тепаликлар ёнбағирларида 50 минг тут дарахти ўстирилмоқда. Буларни баҳорда сифатли каллаклаш, вақти-вақти билан суғориб, ўғитлаб туриш учун махсус кишилар бириктилган. Колхозда паст бўйли, шапалоқ барги тут навлари майдонларини кенгайтириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда.

Хўжаликда катта иш тажрибасига эга бўлган моҳир пиллачилар сафи кенгайиб бормоқда. Қаҳрамон оналар — ҳар йили беш-етти қути уруғнинг ҳар қутисидан 110—120 килограммдан пилла топшираётган Раҳима Зокирова, Мастура Қўчқоровалар-нинг меҳнатлари, айниқса, эътиборга лойиқдир. Ҳар қути уруғдан 100—105 килограммдан пилла олишга эришаётган Тўғон Эшонқулова Шарофат Хусанова, Салима Болтабоева, Эътибор Абдуназарова, Араббой Турсунов, Риҳси Икромова, Ўғилой Шоюсупова, Маннон Ҳошимов, Ҳамида Азизовалар-нинг номларини ҳам ҳурмат билан тилга оламиз.

Пилладан мўл ҳосил етиштиришда заршуносларнинг агротехник қоидаларга тўла риоя қилаётганликлари муҳим роль ўйнамоқда. Ҳар бир пиллачи Тошкент район ипакчилик бошқармаси томонидан тайёрланган махсус «Эсдалик» кўлланмаси билан таъминланган. Агротехниклардан С. Ёқубова, Ж. Комилова, Л. Абилова, Б. Алтайбекова, Ш. Расулова, М. Эшонова, З. Йўлдошева, М. Ғоипова каби ўртоқлар пиллачилар ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб бордилар. Натижада пилла ўз вақтида етилди. Ҳосилнинг 90 процентдан кўпроғи юқори сортларга топширилди. Бу йил колхозда ҳақ тўлашнинг янги тартиби жорий этилди. Пиллачилар оладиган даромад кўпайди.

— Пилла териш ва топшириш қизғин давом этмоқда, — дейди колхоз пиллачилик агрономи Муҳаррам Мансурова, — «кумуш тола» миқдорини 38 тоннага етказамиз. Пиллачиларимизнинг кайфияти ва гайрати бу мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишидан далолат бериб турибди.

С. ҲАСАНОВ,
Тошкент райони.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССРда яшовчи кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвонини бериш ҳақида

Ўн ва ундан ортиқ бола туққан ва тарбиялаган қуйидаги оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ва «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Абдимўминова Собира — уй бекаси, Коммунистик райони.

Орғинбоева Мукаррам — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси.

Аҳмедова Жамила — Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози аъзоси.

Аҳмедова Эркиной — уй бекаси, Чиноз райони.

Бобожонова Однажон — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Баратова Рихси — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Жабборқулова Айтгул — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

Ёрматова Аширгул — Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози аъзоси.

Жўлдасова Омонқул — Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту »колхози аъзоси.

Жўрабекова Фотима — Пискент районидаги «1-Пискент» совхози ишчиси.

Зайдуллаева Зулхумор — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Зокирова Насиба — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Зокирова Садобгул — уй бекаси, Янгийўл шаҳри.

Исаева Зебо — Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзоси.

Караманова Оққарқин — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Киборова Нишон — Ғалаба районидаги «Огонёк» совхози ишчиси.

Мирзааҳмедова Ҳайринисо — Ўрта Чирчиқ районидаги Акмал Икромов номли колхоз аъзоси.

Муротова Ойимқиз — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Норқулова Жумагул — уй бекаси, Бекобод райони.

Ниёзова Гулиса — Коммунистик районидаги Энгельс номли совхоз ишчиси.

Норқулова Маҳбуба — уй бекаси, Коммунистик райони.

Пайғанова Гулсара — уй бекаси, Коммунистик райони.

Пайзибекова Қаламқош — уй бекаси, Бўстонлиқ райони.

Сандалиева Турдигул — Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз аъзоси.

Темирова Ҳакима — Коммунистик районидаги Энгельс номли совхоз ишчиси.

Умарқулова Анифа — Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Уруғбоева Мастура — уй бекаси, Ўрта Чирчиқ райони.

Усарова Бегимжон — Бекобод районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

Холиқова Умринисо — ишчи, Оққўрғон райони.

Эрназарова Иззат — Бекобод районидаги «Победа» колхози аъзоси.

Эшбоева Ҳалима — Бекобод районидаги «Авангард» совхози ишчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил 28 апрель.

МУНОСИБ ҲИССА

Лазокат холанинг хонадони эрталабдан гавжумлашиб кетди. Бу ерга унинг қизлари, неваралари пилла тергани келишди.

Қуртхонадан қучоқ-қучоқ дасталар олиб чиқила бошланди. Оила аъзолари ғайрат билан ишга киришдилар. Лазокат хола қўёш нурида товланиб турган пилладаларни кўриб, қувончига-қувонч қўшиларди.

— Қўшнимиз Арофат опа кеча пилласини топширибди, — деди келини Муборак. — 50 килограмм чиқибди. Улардан орқада қолмасак бўлгани.

— Улар бугун иккинчи сўничқадаги пиллаларни теришяпти, — деди Лазокат хола. — Кечқурун пилладаларни бирга олиб борамиз, деяётган эди.

Умид билан етиштирилган «кумуш тола» ҳақиқатан ҳам мўл бўлган экан. Муборак Акбарова 10 грамм ипак қурти ҳисобидан 70 килограмм пилла топширди. Қўшнилари Арофат Содиқованинг пиллалари эса 65 килограмм чиқибди. Улар 12 грамм ипак қурти парвариш қилган эдилар.

Бу пиллачилар Калинин районидаги Калинин номли колхозда истиқомат қилишади. Улар пилладан мўл ҳосил олиб, райониинг улкан «кумуш тола» хирмонига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

А. БАҲРОМОВ.

БАЛЛИ, ОНАХОНЛАР

ОҲАНГАРОН районидаги кўпгина хўжаликларнинг илғор пиллачилари бу йил мўл «кумуш тола» етиштирдилар. Улар давлатга пилла топшириш бўйича олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Куйбишев номли совхоздан С. Ашуров бу йил 20 грамм ипак қурти парвариш қилган эди. Илғор пиллачи қабул пунктига 130 килограмм сифатли пилла топширди. Шу хўжаликдан Анор Пардаева ҳам 20 грамм қурт уруғидан 110 килограмм пилла олишга муваффақ бўлди. «Оҳангарон» совхозининг моҳир «кумуш тола» ижодкорлари ҳам қувончли натижаларга эришмоқдалар. Улардан Т. Ҳикматова, Р. Эргашева, Т. Исмоиловалар бир қути уруғ ҳисобидан 90—100 килограммдан пилла топширдилар.

К. ЕРОВ.





ҲОЛИДА Орипова «Гулистон» участкасининг илғор звено бошлиқларидан. У раҳбарлик қилаётган пиллачилар бу йил 4 қути қурт уруғидан 400 килограмм ҳосил топшириш мажбуриятини олган. Бу юксак маррага яраша пилла етиштирилди. Суратда: чапдан Ҳолида Орипова, агротехник Ҳалима Солиҳова, пешқадам пиллачилар Ҳури Орипова, Фарида Султонқуловалар пилла терishяпти. Ўнгдаги суратда: участка бошлиғи Асад Саъдуллаев (ўртада) илғор пиллачилар Шараф Шарипов ва Аҳмад Шариповлар билан ҳосил сифатини кўздан кечиришяпти.

Автор фотолари.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

КОБУЛ, 29 май. (ТАСС). Афғон халқи, АДР Халқ Демократик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневга Афғонистон Демократик Республикасини қўллаб-қувватлаб айтган гаплари учун самимий миннатдорчилик изҳор қиладилар. Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгаши Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал ТАСС мухбирига шундай деб айтди. У Л. И. Брежневнинг Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, ЯХДР Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси, ЯХДР Бош министри Али Носир Муҳаммад шарафига Кремлда бўлиб ўтган қабул маросимида сўзлаган нутқига ғоят юксак баҳо берди. Бу нутқ, деб таъкидлади Бабрак Кармал, мамлакатларимиз ўртасида мавжуд дўстона, қардошларча муносабатларнинг яна бир ёрқин кўринишидир.

Мамлакатимиз ва халқимизнинг регионда ва бутун дунёда тинчлик йўлидаги интилишини деб таъкидлади Афғонистон раҳбари, бутун прогрессив инсоният тобора кенг қўллаб-қувватламоқда. Биз Л. И. Брежневга Совет Иттифоқи Афғонистоннинг ёрдам бериш тўғрисидаги илтимосига бепарво қараб тураолмаганлиги ҳақида айтган гаплари учун чуқур миннатдорчилик изҳор қиламиз. Биз АДР ҳукуматининг шу йил 14 майдаги баёнотида айтилганидек, проблемани ҳақиқатан ҳам снёсий йўл билан ҳал этиш мумкин деб, ҳисоблаймиз.

Л. И. Брежневнинг сўзлари Совет Иттифоқи бизнинг таклифларимизни қўллаб-қувватлашидан далолат беради. Бу таклифларни жаҳондаги кўпгина мамлакатлар тобора яхши англамоқдалар. АДР ҳукумати, деб уқтириб ўтди Бабрак Кармал, бирон бир дастлабки шарт қўймай туриб, Покистон ва Эрон билан икки томонлама музокаралар вақтида Афғонистонга қарши душманчилик давом этмаслиги кераклигига қатъий амал қилади. Худди мана шу гап Москвада Л. И. Брежнев нутқида аниқ ва равшан айтилди. Бу эса Совет Иттифоқининг бутун дунёда ва жумладан бизнинг регионда тинчликка ҳақиқатан ҳам интилаётганлигидан яна бир марта далолат беради, деб таъкидлади Бабрак Кармал сўзининг охирида.

АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

БУДАПЕШТ, 29 май. (ТАСС). Венгриянинг марказий газеталари бугун КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадарнинг совет ва венгер космонавтларидан иборат орбитал илмий-тадқиқот комплексининг халқаро экипажига йўллаган табрик телеграммасини кўзга жуда яққол ташланадиган ўринларда катта сарлавҳалар остида босиб чиқарди.

Матбуотнинг таъкидлаб ёзишича, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўз халқларининг фаровонлиги ва бутун инсониятнинг манфаатлари йўлида космик фазони тинчлик мақсадларида ўзлаштиришга бағишланган «Интеркосмос» қўшма программасини тобора асосли равишда, чуқур тарзда рўёбга чиқармоқдалар.

Халқаро экипажнинг янги космик парвози — амалдаги интернационализмнинг яққол мисолидир, деб ёзади ВСИПнинг Марказий органи «Непсабадшаг» газетаси.

«Мадьяр Хирлап» газетасининг таъкидлашича, бошланган космик эксперимент, жумладан, Социалистик Венгрия фани олдида ҳам катта имкониятлар очади. ВХР космик тадқиқотлар соҳасидаги бой совет тажрибасидан фойдаланаётганлиги, у бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда «Интеркосмос» программани амалга оширишда фаол қатнашаётганлиги билан фахрланамиз.



ҒАРБИЙ Германия тинчлик тарафдорлари АҚШ маъмуриятининг агрессив ташқи сиёсати йўлига қарши, ГФР ҳукмрон доираларининг ана шу сиёсатни қўллаб-қувватлаётганлигига қарши кескин норозилик билдирмоқда. Суратда: Кёльн шаҳридаги намойиш қатнашчиларининг плакатида «Картер ноғорасига ўйнатмасин!», «Совуқ урушга қайтиш йўқ!» деб ёзилган.

А. Григорьева фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ЭРОН ПАРЛАМЕНТИНИНГ СЕССИЯСИ

ТЕҲРОН, 28 май. (ТАСС). Бугун бу ерда Эрон парламентининг биринчи сессияси очилди. Ҳожатуд Ислом Аҳмад Ҳумайни депутатлар ҳузурида ўз отаси — мамлакат раҳбари оятилло Ҳумайнининг мактубини ўқиб эшиттирди.

Мактубда таъкидлаб ўтиладики, Эронни бошқа мамлакатларга ва, аввало, АҚШга занжирбанд қилган паҳлавийлар сулоласи кўп йиллик мустабид ҳокимиятининг оқибатларини бартараф қилиш — янги олий қонун чиқарувчи ҳокимият органининг энг асосий вазифаларидан биридир. Парламент аҳолининг йўқсил қатламлари эҳтиёжлари ва орзу-умидларини қондиришга, Ислом мафкураси негизида мамлакат бирлигини таъминлашга, халқаро майдонда мустақил сиёсат ўтказишга энг катта эътибор бериши лозим, дейилади мактубда.

Депутатлар ҳузурида сўзга чиққан Эрон президенти А. Банисадр мамлакатда кўпдан-кўп иқтисодий қийинчиликлар мавжудлигини, аҳолининг кўп табақалари камситилаётганини, шунингдек ўткир ижтимоий низолар борлигини уқтириб ўтди.

Президент Эрон Курдистонидаги воқеаларга ва унинг аҳолиси мухторият берилишини талаб қилаётганлигига тўхталиб, у ерда, шунингдек мамлакатнинг бошқа районларида маъмурлар муаммоларни қуролли тўқнашувлар йўли билан ҳал этиш истагида бўлган кимсалар билан курашаверади, деб айтди.

ХУА ГОФЭН ЯПОНИЯДА

ТОКИО, 28 май. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бошлиғи Хуа Гофэн Японияга келди. Матбуотнинг ёзишича, унинг визитидан асосий мақсад Пекиннинг советларга қарши авантюристик концепциясини Японияга тиқиштириш ва ўз гегемончилик стратегиясини Япония қўллаб-қувватлашига эришишдан иборат. Хитой раҳбарлари Японияни «АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан биргаликда совет гегемонизмига қарши кураш олиб бориш» учун ғарбий бюджетни икки баравар кўпайтиришга чақирмоқдалар.

Хуа Гофэн ҳудди мана шу советларга қарши позицияда туриб Бош министр М. Охира билан халқаро вазият тўғрисида, жумладан, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ҳинди—Хитой, Корея ярим оролидаги аҳвол тўғрисида фикрлашиб олиш ниятидадир. «Майнити» газетасининг ёзишича, Хитой томони Токиодан «тинчлик ва дўстлик шартномаси» деб аталган ва советларга қарши қаратилган Япония — Хитой шартномаси қоидаларини сўзсиз бажаришни талаб қилмоқда.

ГФРДА ИШ ЙЎҚ

БОНН, 29 май. (ТАСС). Маош излаб ГФРга келаётган тобора кўпроқ ажнабийлар бу ерда ишсиз бўлиб қолмоқдалар. Шу йил май ойининг бошларида ГФРдаги ажнабий ишсизлар салкам 110 минг кишини ташкил этди, бу эса ўтган йилдагига қараганда 11 процент ортиқдир.

МАРКАЗИГА АЙЛАНСИН

Шундан 15 киши дипломантларимиз. Ишимиз фақат чизма билан боғлиқ. Лекин, қанча илтимосларга қарамай, биттагина дарсхона-чизмахона ажратиб беришмаяпти. Бу масалада ҳатто ЖКО бошлиғи М. Мавлоновга ҳам бир неча марта мурожаат қилдик.

Трест раҳбарлари, комсомол комитети мазкур ётоқхонага жиддий эътибор бериши зарур.

НАМУНА ОЛСА АРЗИЙДИ

6- қурилиш трестининг Янгийўлдаги 109- кўчма механизациялашган колоннаси ётоқхонасида 300 киши истиқомат қилади. Бу ерда саранжом-саришталик, озодалик ҳукмрон.

Тарбия масканида турли тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Халқаро аҳвол тўғрисида суҳбатлар тинглаш, коллектив бўлиб кинотеатрларга бориш, Тошкентга — циркка, концертларга тушиш одат тусига кириб қолган. Милиция капитани Омон Акбаров, 1-поликлиника врачи Эмирусейновлар ётоқхонада яшовчилар ҳузурида халқаро аҳвол, ҳуқуқ-тартибот, сиҳат-саломатлик мавзуларида лекция ва суҳбатлар ўтказиб туришади. Бу ерда медпункт, ошхона, кутубхона доимий ишлаб турибди.

Ётоқхонада тарбиявий-ташкилий ишларни уюштиришда чирчиқлик қурувчилар янгийўлик ҳамкасбларидан ўрганса бўладиган тажриба бор.

ҚИЗЛАР ЕТОҚХОНАСИНИНГ ҲАСРАТИ

ДЕВОРНИНГ ҳам қулоғи бор, дейишади. Пойтахтнинг нақ марказида жойлашган бир ётоқхонанинг эса кўзи ҳам бор экан. У кўрган-кечирганларини сўзлаб бераверса, оғзингиз очилиб қолади. Эшитинг:

— Мен ким, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг 1- қизлар ётоқхонасиман. Урушдан кейинги йилларда қурилиб, неча минглаб одамларни бағримда сақладим, бошларини силадим. Энди эса, мутасадди раҳбарлар мени менсимай қўйишган. Бўлмаса, ҳеч эшитганмисиз, битта ётоқхонани икки йил капитал ремонт қилишганини! Аслида эса ётоқхона ҳар уч-тўрт йилда капитал ремонт қилиниши керак. Менинг ремонтим эса иккинчи муддатга уланиб кетай деяпти. Афти-башарамдан қизлар олдида уяламан. Коридорнинг тахта поллари синибчўкиб ётибди, ювиниш хонамга кириб бўлмайди — бешта раковинанинг тўрттаси синиббўшаб кетган, биттаси мутлақо йўқ. Шифтга қараб бўлмайди — ремонтдан кейин ҳаммаси кўчиб ётибди. Газхонам деворларига ЖКУдаги азаматлар (бош инженери Шукур Баҳобов) битта ҳам соғи йўқ брак гафеллар ёпиштириб кетишди. Пол билан девор туташган жой бетон билан қора сувоқ қилинганича ётибди. Қанча ювилса ҳам ифлосга ўхшаб тураверади. Душхонага кираверишда пол плиталарини бултур йиғиштириб олишганича, ҳали ҳам ўра бўлиб ётибди. Буларни гапираверсам адоғи кўринмайди...

1978 йил 21 мартда капитал ремонт бўйича материаллар рўйхати тузилди. Унда 22 та пунктда сантехника ускуналари қайд қилинган. Бу, ҳар бир пунктида 5—10 тадан 20—30 тагача бўлган сантехника жиҳозларидир. 1979 йил 21 мартда смета ҳужжатлари тайёрланиб (11410 сўмлик), уни завод директори Р. А. Мангутов имзолади. Мана, ораден 1,5 йил ўтяпти. Сметадаги битта ҳам узел менга келиб, холимни сўрагани йўқ!

Бевосита бу ишларга бошқош бўладиган директор ўринбосари Юрий Семёнович Хеник бир йилда бир марта аҳвол сўраб келмайди, завод билан орамиз 100 қадамгина бўлса ҳам, мен у кишининг ҳузурига, афсуски, етиб боролмайман. ЖКУ бошлиқлари, у киши материал топиб бермасалар биз ҳеч нима қилолмаймиз, дейишмоқда...

Энди тарбиявий ишларга, тўғрироғи, бағримдаги қизларимнинг тарбиясига келсак, Қизларнинг аксарияти меҳнаткаш, одобли, ҳаёли. Вой-войвой! Шолининг орасидаги курмакдек айримлари борки... Шунақа битта-иккита «замонавий»лари сигарета чекишни мода қилиб юборишяпти. Вой буларнинг бурқситишини-ей! Қиз бола чекса бор ҳуснини йўқотаркан. Деворларимга тутун иси сингиб кетяпти. Уларни тартибга чақирмоқчи бўлган тарбиячиларга нима дейишади денг!

— Сизлар қолоқсизлар, замонадан орқада қолгансиз. Замонавий аёллар чекади!

Тўғри, ҳар кимнинг эрки ўз қўлида. Лекин гўзаллик, поклик, латофат тимсоли бўлган аёл чекса, уни сира маданиятли, замонавий аёл деб бўлмайди!..

Иккинчи масала ҳам қизиқ. 1978 йил 1 майда завод раҳбарлари тасдиқлаган «Ётоқхона тартиби»нинг 10- бандида байрамлардаги махсус кечалар ва бошқе шу каби тадбирлардан ташқари пайтда аёллар ётоқхонасига эркакларнинг кириши, эркаклар ётоқхонасига аёлларнинг кириши манъ қилинади, деб ёзиб қўйилган. Комсомол секретарлари ётоқхона маъмуриятига ёрдам бериш ўрнига ҳатто бир марта, цех комсомол ташкилотининг секретари И. Исломова зўр «намуна» кўрсатди! Темирчилик—пресслаш цехининг ишчиси Фания Утегенова бир неча марта ётоқхона тартибини бузди. Уни ётоқхонадан ҳайдамоқчи бўлишган эди, Ирина Исломова келиб ҳимоя қилди. Эшикдан чиқиб кета туриб «Эркаклар кириши таъқиқланади», деб ёзилган тахтачани олиб, улоқтирди. У бу ишни кўпчилик олдида қилди. Тарбиявий ишларда ётоқхона ходимларига ёрдам бериш ўрнига тарбиясизлик намунасини кўрсатган комсомол етакчисининг бу қилмишига оғзим очилиб қолди...

Ф. Утегенована 30 апрелда ётоқхонадан ҳайдадик, лекин унинг ишдан «ўз ҳоҳиши билан» бўшатилганига тушунолмадим. У бошқа коллективга силлиққина қўшилиб, кейин уларни ҳам куйдираверади-да. Кейин у ердан ҳам бўшатишади. Ана сизга корхоналарда кадрлар қўнимсизлиги процентининг ошиши!..

«Тўқимачилмаш» заводи 1-қизлар ётоқхонасининг ҳасратидан чанг чиқяпти. Мана, ўзингиз эшитдингиз. На завод раҳбарлари, на комсомол комитети ходимлари бу ерга келиб хабар олишади. Вақолонки, комсомол комитети ётоқхонанинг мураббийси бўлиши керак.

Завод раҳбарлари қадам ранжида қилмагач, биз уларга ўз ётоқхоналари ҳасратини газета орқали етказаяпмиз. Яхшилаб эшитиб, амалий ишга ўтиш зарур!

Ш. ЮСУПОВ,
Тошкент область комсомол комитетининг инструктори.
Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқатининг» махсус мухбири.



АҚШ. Америка амалдорлари Флорида штатидаги Майамн шаҳрининг негралр яшайдиган кварталларида бўғаи оммавий ҳаракатни конга ботирдилар. Суратда: мана бу болалар Майамидаги фожианн ўз кўзларн билан кўришди.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ

Тошкент-80

ФЕСТИВАЛЬ ФИЛЬМЛАРИ

ЭКРАНДА ҲИНД КИНОСИ

Ҳинд санъаткорлари киноанжуманга рангба-ранг фильмлар билан ташриф буюрдилар. Улар орасида музикали киноқисса — «Қўшиқ ритми» ва лирик-психологик драма — «Яна бир бор» каби ленталар кўпчилик диққатини тортиши табиий. Зотан, бу фильмлар заминида юксак гоя ётади. Бу ленталар ўртасида конкрет мавзу ва унинг талқини билан боғлиқ бир қатор тафовутлар бор. Бирида — ашула, рақс имкониятларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган бўлса, иккинчисида — драматик воқеаларнинг ажойиб тизмаси ёрдамида яхлит бадиий умумлашмалар вужудга келганини ҳис этамиз.

«Қўшиқ ритми» фильмида санъатга меҳр қўйган, лекин эшитиш ҳамда сўзлаш бахтига муяссар бўлмаган қизнинг эзгу тилаклари, ушалмаган орзулари ёрқин бўёқларда ўз аксини топади. Бу олижаноб инсон, чин қалб соҳибаси ўз бахтини топгунича бошидан кечирган драматик воқеаларни кўрсатиш учун режиссёр К. Вишвинат ижрочилик санъатидан, мусиқадан кенг фойдаланган. Диалоглар муаллифи Жамендра сўз ўйини, ихчам иборалар, образли ўхшатишлар ёрдамида шаҳар ва қишлоқларни кезиб юрган, оила, тотув ҳаёт ҳақида орзу қилганларнинг ҳолати, саргузаштларини тасвирлайди. Бундай саҳналарга машҳур ҳинд хонандаси Лате Мангишкар ижро этган гоҳ ўйноқи, гоҳ ўйчан, гоҳ маъюс оҳангдаги қўшиқлар ҳаётий куч бағишлайди, эпизодларнинг таъсирчанлигини янада оширади.

Енгил ҳаётга ўрганиб қолган, фақат ўз майшатини кўзлаб юрувчи шахснинг ҳатти-ҳаракатини, кишилар билан бўлган муносабатини кўрсатишга режиссёр Р. Панди алоҳида қилган эди. Биз бу кинодентани томоша қилганимиздан сўнг унинг ижодкорлари билан суҳбатлашдик. Дўстона учрашувда режиссёр Р. Панди шундай деди:

— Фильмимиз маъқул бўлганини эшитиб хурсанд бўлдик. Чунки бу асарни биз катта қийинчиликлар билан суратга олганмиз. Асарнинг яратилиши билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни қоплаш мен учун жуда мушкул бўлди. Шу боисдан лентамиз Тошкент анжуманида намойиш этилаётганидан бениҳоя хурсандман. Ўзбекистонда ўтаётган халқаро кинофестивалга келсак, бу кўрикнинг бир фазилатини айтмай ўта олмайман: унда барча мамлакатлар тенг ҳуқуқли, фестивалда самимий мусобақа руҳи бор, рақобат йўқ.

Ҳиндистондан келган яна бир меҳмон Дипти хоним қуйидагиларни айтди:

— «Яна бир бор» лентасида аёллар образлари талқини билан боғлиқ бўлган муаммолар томошабинни фикр юритишга ундаса, биз вазифамизни бажарганмиз деб биламиз. Бу масала биз учун жуда муҳим ва мураккабдир...

Тошкентга меҳрим тушди. Бу шаҳарда барча бахтиёр, бир-бирига меҳрибон... Шаҳрингизнинг чиройи, кишиларнинг очиқ чеҳраси мени мафтун этди.

Уч қитъа мамлакатларида суратга олинган фильмларни кўриш ва улар муаллифлари билан суҳбатлашиш учун Тошкент халқаро кинофестивали қулай шароит яратди. Анжуманнинг фазилатларидан бири ҳам шундадир.

Ҳ. АКБАРОВ.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Қирғизистон кино санъати Иттифоқимиздаги кўпгина қардош республикалар кинематографиясига нисбатан анча ёш ҳисобланади. У 1939 йил Қирғизистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг кўрсатмаси билан кинохрониканинг мухбирлик пункти сифатида ташкил этилган эди.

Бутуниттифоқ ва халқаро киноанжуманларда муносиб кўринларга сазовор бўлган «Саратон», «Жўра», «Биринчи ўқитувчи», «Она ер», «Болалигимиз осмони», «Оловга таъзим қил», «Қараш довонидаги отишув», «Иссиққўлнинг долақизғалдоқлари» каби фильмлар қирғиз кино санъатининг ўзига хос изланишлари, томошабинларни жалб этаоладиган мавзуи доираси, қирғиз халқининг урф-одати, турмуш тарзи, характери ва орзу-ўйларини бадиий лентааларда акс эттиришда ўзига яраша тажриба орттирди.

Айни пайтда Қирғизистон кинематографчилари союзига машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг раҳбарлик қилаётгани ўз самарасини бермоқда. Хусусан, адибнинг қирғиз халқи ҳаёти юксак бадиий ифодасини топган «Сарвқомат дилбарим» («Добон» фильми, режиссёр А. Сахаров), «Биринчи ўқитувчи» (режиссёр А. Михалков-Кончаловский), «Бўтакўз» («Казирама») фильми, «Жамила», «Алвидо, Гулсари» ва «Оқ кема» киссаларининг довруғи экран воситасида ҳам бутун дунё халқларининг қалбига етиб борди десак муболаға бўлмайди. Айниқса муваффақиятли экранлаштирилган «Оқ кема» қиссаси қирғиз кино санъатининг шуҳратини янада оширди. «Оқ кема» фильмида кўтарилган маънавий проблемалар ер юзида яшовчи ҳар бир инсонда ҳаяжон уйғотади, унинг она-замин олдидаги масъулиятини чуқурроқ ўйлаб кўришга, инсониятга катта хавф тугдираётган ҳудбинлик, золимлик ва ваҳшийликка қарши курашга чақиради.

Қирғиз кино экрани устаси VI халқаро Тошкент фестивалига «Эрта қайтган турналар» фильми билан келдилар. Бу бадиий лента ўтган йили «Қирғизфильм» ва «Ленфильм» киностудиялари ҳамкорлигида яратилди. Чингиз Айтматов ва режиссёр Болатбек Шамшиев «Эрта қайтган турналар» киссаси асосида фильмга сценарий ёздилар.

Улуғ Ватан уруши даври. Кичик қирғиз овулига ҳам уруш ўз таъсирини кўрсатган. Колхозда ишчи кучи, нон, ўтин етишмайди. Фронтдан бирин-кетин қорахатлар келиб турибди. Мактаб ўқувчилари совуқ хонада география дан иссиқ мамлакат — Шри Ланка ҳақида дарс тингламоқдалар. Шу пайт фронтдан яралар бўлиб қайтиб, колхозга раислик қилаётган Типалиев кириб ўқувчи болаларнинг энг бақувватларини баҳорги шудгорга ишга олишини айтади. Ҳали қишнинг найзадай изғирини кетмай, болалар отга плуг қўшиб эртадан қора кечгача ер ҳайдашга тушадилар. Овулдан анча олисдаги «десантчилар» (уларни шундай аташардилар Султонмурод деган бола бошчилик қилади. Зиммаларига юклатилган масъулият ва шароитнинг оғирлигини чуқур ҳис этган ўспиринлар мардонавор меҳнат қиладилар. Султонмуроднинг ўз синфдоши, соҳибжамол қиз Мирзагулга бўлган чашма сувидай тиниқ муҳаббати фильмнинг бадиий жозибасини таъминлашда катта роль ўйнайди.

«Эрта қайтган турналар» режиссёри Болатбек Шамшиев кино санъати талабларидан келиб чиққан ҳолда, киссадаги баъзи воқеаларга ўзгартириш киритишга журъат этиб, фильмнинг бадиий таъсирини кучайтиришга эришади. Фильмдаги асосий ролларни Эмиль Боронченв, Гулсара Ажибекова, Ҳасан Абдураимов, Сулаймонқул Чўқморов, Оқил Қуламбоев каби киноактёрлар ижро этадилар.

Р. ҒАНИЕВ.

БОБОТУТ

ҲИКОЯ

Дадамнинг айтишларича, бир вақтлар бувам яхши умид билан тут кўчати ўтқазган эканлар. Ҳозир ана шу тутимиз шунақанги баҳайбат бўлиб кетганки, танасига икки кишининг қўлочи етмайди. Май ойининг охирларида меваси жуда ҳам етилади. Бехосдан шохига қўлингиз тегиб кетса борми, дувиллаб тўкилган тутдан ер юзи оқариб қолади. Маҳалламиздагиларни айтмайсизми? Тут пишди дегунча кичигу катта «мумкинми» деб аста кириб келаверишади. Биз бунга ўрганиб қолганмиз.

Бу йил ҳам тутимиз роса серҳосил бўлди. Эрта тонгдан то кечгача мева талашиб чуғурлашадиган қушлар бирам одамни ташига тегадики... Ҳовлини бошига кўтариб шовқинлаётган бетартиб қушларни ҳуркитиб тинчимдим-да, тутдан бир нечасини «диқ» этиб ютдим. Сершира мевадан таним яйраб кетгандай бўлди.

Салобати етти маҳалладан кўзга ташланадиган тутимизга меҳр билан тикилиб қолдим-у, шу тобда бундан анча йиллар илгари бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушиб кетди.

...Тут айни пишиб етилган пайт эди. Куни билан эсган кучли шамол дарахтлардаги меваларни роса қийратди. Ер билан битта бўлиб сочилиб ётган тутлардан қадам босадиган жой ҳам қолмагандек эди. Ўша куни бизникига дарс қилгани келган курсдошим Нодир билан роса мириқиб тутхўрлик қилдик.

Уйдагилар оёқ остида сочилиб ётган ҳосилни супуриб ташлашмасдан, болалар териб ейиша қолсин деган мақсадда кўчага чиқдим-да бир гала болаларни бошлаб келдим. Ён қўшнимиз Сатор аканинг ўғил-қизлари деярлик кунда шунда эди. Айниқса кичкина невараси бор, жуда галати бола. Ўзи эндигина икки ярим ёшга тўлганди. Бирам тутни яхши кўрадики, асти қўяверасиз!

Ҳар сафар у ҳовлига чиқса ҳаммамиз болакай атрофида парвона бўлардик. Ҳалиги болалар ичида у кўринмади. Мен девор орқали қўшниларни ҳам тутхўрликка таклиф қилдим. Бир маҳал эшик қия очилиб, олдин бир жуфт чақноқ кўз кўринди, кейин калласи катта гавдаси кичик болакай салкам ўзидай келадиган тоғорани судраб кирди-да, бизга қараб «ассомайтум» деди. Кейин «оҳ-осам майлими» деб тутни кўрсатди. Нодир аввалига қизиқсиниб болага тикилиб қолди ва югуриб олдига борди-да, уни гапга тутди:

— Отинг нима, полвон?

— Пойвон,— деди у лабини чўччайтиб.

— Ия, ростданам Полвонми?— деди Нодир хохолаб кулар экан.— Қани юр Полвон,— мен сенга ўзим тут қоқиб берай.

Боланинг асли оти —Тоҳир. Дадаси уни эркалаб «Тоҳир полвон», «Полвон ўғлим» ёки қисқагина «Полвон» деб чақиргани учун у ўзи отини ким сўраса, чиройли қилиб «Пойвон» деб жавоб берарди.

Нодир болакай билан топишиб қолди. Бир тоғора тут териб, кўтариб олган ҳовлиқмасанг?! Бирам чўчиб кетдимки...

— Ким бунақа қилди? Ахир, ким кестирди тутни, ойи?

— Мен, болам, мен! Жаҳлинг чиқмасин. Ўзиям узоқдан келишган экан пилладчилар. Қуртга барг топилмай қолибди.— Ойим обдон вазиятни тушунтирар, лекин ўзининг кесилган тутга ачинганини сездирмасликка ҳаракат қилар эди.

Елғиз шўппайиб қолган дарахтнинг танасига қараб туриб хаёлга чўмдим: қанчалар хосиятли дарахт-а! Меваси инсонга шифо. Барглари ипак қуртига озуқа! Танаси — инсон қалбининг энг нозик туйғуларини уйғотувчи сеҳрли соз сарвари — чолғу асбобига ҳам ашё! Турган битганя инсон учун яхшиликдан иборат!

Ёш новдалар чиқариб, йириклашиб, тобора кенг қулоч ёза борди. Ҳозирги ҳосилга бир вақтлардагисига қараганда икки баробар кўп, катта ва мазали. Биз яна шодонмиз, негаки, яна ёш болаларнинг овози дарахтлардаги қушларнинг чуғурини босадиган даражада авж олган...

Ҳамма ҳурсанд. Тутимиз иккинчи умрини яшаётган эди.

Куни кеча ишдан қайтаётсам эшигимиз олдида икки киши турибди. Тикилиб қарадим-у, таний олмадим. Яқинлашиб салом бердим ва уйга таклиф қилдим.

Ичкари кирдик. Келин чой келтирди. Ўғлим эса бир коса тутни меҳмонлар олдига қўйди.

Бояги нотаниш кишилар бир менга, бир косадаги оқ садафдек диркиллаб турган тутга қараб қўйишди-да, беихтиёр кулиб юборишди.

— Ҳайрон бўлманг, мезбон!— деди улардан бири дўпписини бошидан олиб, қадоқ қўллари билан пешонасидаги терни аста сидириб ташлар экан,— биз мана шу кўлларимиз билан, бундан 10—15 йиллар илгари бўлса керак, ҳовлингиздаги тутни каллаклаб кетган эдик, мана энди ўша адойи-тамом бўлган дарахтнинг мевасини яна тотиб ўтирибмиз. Ажаб дунё экан-да, а, Мадрайим?

У рўпарада жимгина ўтирган шеригига мурожаат қилди.

— Ҳа энди у пайтлар бошқа эди,— деди Мадрайим ака,— ҳозир колхозимизнинг бепоён тутзорлари бор. Шаҳарликларни кўпам безовта қилишга эҳтиёж қолмади, ҳисоб!..

— Бир таништмизникига ўтиб бораётган эдик.— деди ҳамон дўпписини қўлида ўйнаб ўтирган меҳмон.— кетаётиб, кўркам тут дарахтига кўзимиз тушди-ю, бир вақтлардаги қилган ишимиз ёдга тушди. Ўзр сўраб ўтишниятида остонангиз олдида тўхтадик. Дафъатан ўзингиз келиб қолдингиз!..

— Бе, қизиқмисиз!..—деди мен ҳам астойдил.

Улар кетишди. Мен тутимизга қарадим. Назаримда у бояги келган бегона кишиларнинг самимий узрини қабул қилиб шабадада майин тебранаётгандек туюлди. Бехихтиёр азимтут дарахтига хаёлан таъзим қилдим...

Миржалол МИРАЛИЕВ.

ТАБИАТ ОЛАМИДА

ИЛОН ИЗИДАН

Институт ўқув коллекцияларини кўздан кечира туриб, кобра илонининг ноёб нусхасини учратдим. Кафедра ассистентининг айтишича, коллекцияларнинг аксарияти Ўргут, Нурота тоғларида, Бухоро ва Қашқадарё области территориясида яшовчи ҳайвон ва ўсимликлардан ташкил топган экан.

Ажабланганимнинг боиси шундаки, биз шу вақтгача кобра илонининг Нурота тоғларида ҳам учраб туришини билмасдик. Шунинг учун ҳам ёзги каникул пайтида студентлар билан биргаликда Нурота тоғига экспедиция уюштирдик.

Мана, Нурота тоғининг кўз илғамас тизмалари. Тонг отиши биланоқ йўлга отландик. Қуёш терак бўйи кўтарилганида, ҳаво ҳаддан ташқари қизиб кетди. Сувимиз тугаб, мадоримиз қуриб борарди. Йўлнинг ниҳояси кўринмайди. Шунга қарамай ёш сайёҳлар ҳам бўш келишмайди, астойдил ҳаракат қилишади.

Кечга яқин Сувбоши деб номланган жарликка келиб тўхтадик. Машаққатларимиз ортда қолгандек бўлди. Энди тунаш пайидан бўлиб, қулай жой танлашга киришдик. Шу мақсадда баланд ўсган дарахтлар оралаб юқорига кўтарила бошладик. Йўл бошлаётган студент бехосдан қичқириб юборди. Унинг рўпарасидаги ўрик дарахтида иккита катта кобра илони бошини кўтарганича бизнинг ҳаракатларимизни кузатиб турарди. Зудлик билан қўлимдаги таёқчани ишга солдим. Бироз муддатдан сўнг илонларни осонгина махсус халтага жойлаштирдик.

Нурота тоғ тизмаларида қўлга туширилган бу илонларнинг бири ҳамон ноёб топилма сифатида менда сақланади. Илон изидан уюштирилган экспедициямиз таассуротларини эса ҳануз талабалар қизиқиш билан эслайдилар.

О. БОГДАНОВ, табиатшунос.



Шу йил Берлинда ўтказиладиган анъанавий «СССР ва ГДР ёшлари дўстлиги» форумида А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта театрининг солистқаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Малика Аҳмедова билан М. Тургунбоева номидаги «Баҳор» Давлат ансамблининг солисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, доцент рачи Талъат Сайфиддинов ўз санъатларини намойиш қиладилар. Суратда: санъаткорлар «Гўзал қиз» номли ўзбек халқ рақсини ижро этмоқдалар.

А. РИСҚИЕВ фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

БАСКЕТБОЛ. Чирчиқ шаҳрининг баскетбол майдончалари бир неча кун мобайнида спорт ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда эркаклар ва аёллар олий лига командалари ўртасида республика чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақаларда Тошкент шаҳри спортчилари ҳар томонлама устун эканликларини намойиш қилдилар. Аёллар баҳсида мағлубият нима эканлигини билмаган армиячи қизлар республика чемпиони бўлишди. Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг эркаклар командаси ҳам мусобақаларни мағлубиятсиз ўтказиб, юксак номни қўлга киритди.

ҚИЛИЧБОЗЛИК. Пойтахтдаги «Ешлик» спорт аренасида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг совғини учун ўтказилган Бутуниттифоқ турнири ниҳоясига етди. Тўққиз кун давом этган мусобақаларда Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан келган 250 дан зиёд спортчи ўз маҳоратини намойиш қилди. Тошкент шаҳри командаси турнирда муваффақиятли иштирок этди. Спортчиларимиз умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, бош совринни эгаси бўлдилар. Омск шаҳри командаси иккинчи, Қозоғистон ССР терма командаси эса учинчи ўринга кўтарилишди.

БОКС. Республика кубоги мусобақалари Ангрен шаҳрида бўлиб ўтаётир. Биллур совринни учун кўнгилли спорт жамиятлари ва идораларнинг саккиз командаси рингга чиқди. Биринчи кун натижаларига кўра Тошкент армиячилари ва «Спартак» кўнгилли спорт жамияти вакиллари олдинда боришмоқда. «Спартак» «Буревестник» устидан 21:11, АСК (Тошкент) «Динамо» устидан 16:14 ҳисобида ғалаба қозонди. Бугун навбатдаги тур ўйинлари бўлади.

ФУТБОЛ. Мамлакат футбол чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган Жиззахнинг «Бўстон» командаси учрашувларни муваффақиятли ўтказмоқда. Жумладан, ўн учинчи турда улар Кишиневда маҳаллий «Нистру» командаси билан куч синашиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Ҳозир командамиз турнир жадвалининг учинчи погонасини эгаллаб турибди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Спартак» (Ор) — «Гурия» — 1:0, «Спартак» (Нл) — «Торпедо» — 2:1, «Динамо» — «Помир» — 2:0, «Кузбасс» — «Крылья Советов» — 0:0, СКА (Хб) — «Уралмаш» — 2:1.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1980—81 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

Полиграфия машиналари ва ускуналари, юқори босма технологияси, брошюралаш ва муқовалаш ишлаб чиқариш технологияси, китоб савдоси товаршунослиги, полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

КИТОБ САВДОСИ ТОВАРШУНОСЛИГИ (рус ва ўзбек группалари).

ЎҚИШ МУДДАТИ: китоб савдоси товаршунослиги ва полиграфия саноати корхоналарида планлаштириш мутахассисликлари бўйича 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йилу 10 ой, ўрта маълумотлилар учун — 1 йилу 10 ой; қолган барча мутахассисликлар бўйича —8-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йилу 6 ой, ўрта маълумотлилар учун — 2 йилу 6 ой.

ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР: 8-синф ҳажмида маълумот билан 1 курсга кириш учун: **ОНА ТИЛИ** (диктант), **МАТЕМАТИКА** (оғзаки);

ўрта маълумот билан II курсга кирувчилар: **ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ** (ёзма), **МАТЕМАТИКА** (оғзаки).

Эслатма: китоб савдоси товаршунослиги мутахассислиги бўйича II курсга кирувчилар математика ўрнига тарих фанидан имтиҳон топширадилар.

Қабул қилинган ўқувчилар умумий асосда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: техникум директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки гувоҳнома (асл нусхаси), 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см., ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

АРИЗАЛАР 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА (ўрта маълумотлилардан 14 августгача) ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: Тошкент шаҳри, ГСП, Навоий кўчаси, 30-«а»-уй (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 1, 2, 4, 6, 7, 8, 14, 18-троллейбуслар; 14, 28, 42, 43, 64, 65, 76, 100«э»-автобусларнинг «Хадра» ёки «Марказий телеграф» бекатлари).

Тошкент область ижроия комитетининг МЕҲНАТ БУЙИЧА БЎЛИМИ Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш министрлигининг Октябрь революцияси орденли 93-ихтисослаштирилган трестига

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

18 ёшдан 45 ёшгача бўлган эркаклар Тошкент, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай посёлкасидаги монтаж ташкилотларига;

монтажчи слесарлар, қувур ётқизувчилар, электр.газ пайвандчилар, автокранчилар, кран машинистлари ихтисослик бўйича.

касбсиз кишилар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 3 ойлик курсга ўқишга юборилади, уларга ойига 76 сўм стипендия берилади, практикада бўлган вақтига қўшимча равишда пул тўланади, ёлғизлар ётоқхона билан таъминланиб, пропискага ўтказиладилар, оилалиларга қондага мувофиқ квартира берилади.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганларга шартнома бўйича бир вақтнинг ўзида ёрдам пули берилади.

Дам олиш учун Чимён воҳасида дам олиш зонаси бор.

ЎҚИШНИ ИСТАГАНЛАРГА ҚУЙИДАГИ ИМКОНИЯТЛАР БОР: кечки ишчи-ёшлар мактаблари, техникумлар, Тошкент политехника институтида кечқурунлари ва сиртдан ўқиладиган курс ва факультетларга, ишлаб чиқариш илғорлари олий ўқув юртларига юборилади, уларга ишлаб чиқариш томонидан оширилган стипендия тўланади. Энг яхши ишчилар СССР махсус монтаж қурилиш министрлигининг Москва, Саратов, Рязань, Минск шаҳарларидаги ўқув комбинатларига малакаларини ошириш ҳамда янги касб ўрганиш учун юборилади.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 30-уй;
Олмалиқ шаҳри, Советская кўчаси, 26-уй;
Бекобод шаҳри, Абдосов кўчаси, 176-уй;
Чирчиқ шаҳри, Октябрь кўчаси, 28-уй.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўсмирлар ижоди. 10.35 — Давлат чегараси. Бадиий фильм. 1-фильмнинг 2-серияси. 11.40—Фильм-концерт. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни. 16.10 — Жонажон табиат. 16.30 — Поэзия. 17.00 — Москва ва москваликлар. 17.30 — Концерт. 17.55 — Уфқ. 18.30 —Ҳужжатли фильм. 19.00 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 —Уларни фақат афтидан танир эдилар. Бадиий фильм. 21.00 — Эрмитаж. 21.30—Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР кубоги. «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Киев). 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Футбол бўйича СССР кубоги. «Спартак» (Москва) — «Шахтёр» (Донецк).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Қувноқ одамчалар клуби. 2-фильм. 11.55 — Куйловчи манзаралар. 12.20 — Ватан ҳақида шеърлар. 12.45 — Китеж шаҳрига йўл. 13.10 — Ленин қадамжолари бўйлаб. 13.30 — Замондас. 14.20 — Сўнгги пушаймон. Бадиий фильм. 18.00 — Бугун манежда. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Инсон болаликдан бошланади. 19.30 — Ахборот. 19.45— Учинчи республика болалар қўшиғи байрами. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Учинчи республика болалар қўшиғи байрамининг давоми. 21.30 — Время. 22.00 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VI халқаро кинофестивалининг ёпилиши.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Ота-оналар учун консультация. 20.55 — Математика. 21.55 — Китоб дўстлари. 22.25 — Уч плюс икки. Бадиий фильм.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/V да Олтин намад, 31/V да Тошкентнинг нозанин маликаси (16.00), Шаҳзода ва етим қиз (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «КУЗГА ҚУРИНМАС ОДАМ» фантастик-саргузаштли аттракционининг гастроллари (19.30).

ДОИМИЙ ИШГА

омбор мудири, тарбиячи, машинистка, курьер, автоматик телефон станциясини координациялаш бўйича алоқа техниги, созловчи-слесарь, автопогрузқа ҳайдовчиси, аккумуляторларни созловчилар, газ пайвандчи, автомоторист, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар, шоферлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Тошкент мева-сабзавотчилик техникуми коллективи техникум ўқитувчиси Н. Б. Жўраевга отаси

Боймат ЖЎРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02033 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1616.